ХАЛҚ ҚУРИЛИШЛАРИ: ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ

Қ.М.Насритдинов

В статье на основе архивных материалов и исторических источников анализируется история сооружения ирригационных обьектов, построенных в конце 30-х годов XX века методом «народных строек». Автор анализирует историю строительства, раскрывает суть и причины, трудности строительства данных обьектов, делает выводы.

In this article the history of irrigation objects construction is analyzed on the basis of archive sources. They were constructed by the method of "Халқ ҳашари" (when people to do something together) in the late 30th of XX century. The author analysis the history of construction, reveals the main point, reasons and difficulties of the building of mentioned objects and makes conclusions.

Экин экиладиган ер майдонлари суғорилиб дехқончилик қилина бошланганидан тортиб то бизнинг давримизгача Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихи – ўзбек халқининг сув учун олиб борган машаққатли меҳнати тарихи ҳамдир. Бу узоқ жараёнда ўзбек халқи, бир томондан, азим дарёларни жиловлаб, воҳаларни экинзор ва боғу бўстонларга айлантириб, обод этишга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи томондан, экин майдонларини босиб, аҳолига катта зиён етказадиган тошқинларнинг олдини олишга интилган.

Суғориш тармоқларини бунёд этиш ўзининг тузилишига кўра энг кўп меҳнат талаб этадиган соҳа бўлганлиги учун ҳам қадимдан уларни бунёд этиш "ҳашар" йўли билан амалга оширилган. Агар қадимшунос олимларнинг фикрига асосланган ҳолда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси худудида суғориш тармоқлари ва унга асосланган деҳқончилик бронза давридан, яъни бундан тахминан 3500–3750 йил муқаддам вужудга келганлиги инобатга олинса, унда "халқ ҳашари " тарихи ҳам шу даврга тенг бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Халқимизнинг кўп минг йиллик суғорма дехқончилик тарихига XX асрнинг 30-йиллари охири – 40-йиллари боши ҳам "Халқ қурилишлари" даври номи билан кирган. Чунки шу даврда халқимиз меҳнати эвазига Республикамизнинг турли дехқончилик воҳаларида йирик суғориш иншоотлари бунёд этилди. Ўша даврда нашр этилган илмий, тарихий адабиётларда бу жараён "Халқ ҳашари", "Халқ қурилишлари" деб зикр этилган.

Дарҳақиқат, халқимизнинг минталитетига хос бўлган ҳашар йўли билан улкан иншоотларни, кўприкларни, ариқ ва каналларни бунёд этиш кўп минг йиллик тарихимизнинг узвий қисмидир.

Тарихий, илмий адабиётлардан бизга маълумки, XX асрнинг 30- йиллари бошида собиқ тоталитар тузумга асосланган СССР давлати айнан Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштирилган пахта эвазига пахта мустақиллигини қўлга киритган эди. Бу мустақилликка собиқ сиёсий тузум, аввало, ўзининг иқтисодини экстенсив йўл билан ривожлантириш, яъни табиий ресурслар ҳисобланган ер ва сувни кенг кўламда қишлоқ хўжалигига жалб этиш асосида эришди. Натижада 1923–1938 йилларда Республика бўйича 320 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди [1; 36]. Бу ерларнинг асосий қисмига стратегик хом-ашё ҳисобланган пахта экилди.

30-йиллардан бошлаб суғорма дехқончилик соҳасида жуда қадим замонлардан қўллаб келинган дехқончилик агротехникаси бузилди. Бу, аввало, соҳада "зовурсиз суғориш" усулининг қўлланишида, яъни суғорма дехқончиликда зарур бўлган сув ташламалари, зовур ва коллекторлардан воз кечилганида намоён бўлди. Сувдан рационал фойдаланишнинг маҳаллий дехқонларга маълум бўлган усуллари ўрнига бостириб суғориш усули қўлланди. Натижада Республиканинг турли дехқончилик воҳаларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви кузатилди, ер ости сувларининг ер сатҳига кўтарилиши натижасида шўрланиш жараёни тезлашди. Бунинг оқибатида дехқончилик қилинаётган ер майдонларида ҳосилдорлик кескин камайди. Шўрланган ер майдонлари эса қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳолатга келиб қолди. Ўзбекистон иқтисодиётига марказ саноати учун хом-ашё етказиб берувчи база сифатида қаралгани туфайли экин майдонларини янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига кенгайтириш ва шу орқали пахта етиштиришни миқдор жиҳатидан кескин ошириш ўша даврнинг долзарб

масаласига айланди. Натижада Ўзбекистонннг дехқончилик воҳаларида, ҳатто, табиий жиҳатдан сувга сероб Фарғона водийсида ҳам сувга эҳтиёж кескин даражада ортди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида, айниқса, 1938 хўжалик йилидаги қурғоқчилик, сув тақчиллиги Республикадаги мавжуд сув муаммосини янада чуқурлаштирди [2].

Ўша даврда Республикадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт марказий ҳукумат босими туфайли жуда оғир бўлган. Чунки коммунистик партия, иттифоқ ҳукумати раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган режаларни, реал ҳаётга мос келиши ва келмаслигидан қаътий назар, муҳокама қилмасдан сўзсиз бажариш қонун даражасида бўлган. Иқтисодий ҳаётда "План – қонун, уни бажармаслик жиноят" шиори ўша даврда устувор бўлиб, режани бажармаганларни "саботажчилар" деб таъқиб остига олинган, қамалган, сургун қилинган.

1939 йилда Иттифоқ Халқ Комиссарлари совети "Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш" тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан, яқин 6 йил ичида Ўзбекистонда суғориладиган ерларни 430 минг гектарга кўпайтириш белгиланган эди [3; 54]. Бундан кўриниб турибдики, собиқ иттифоқ раҳбарияти ҳар қандай йўл билан, ҳатто, ўлканинг табиий ресурсларини оқибатини ўйламаган ҳолда ишга солиб, бу ҳудудда мавжуд меҳнат ресурсларидан аёвсиз фойдаланиш орқали бўлса ҳам, давлат хазинасига яна ҳам кўпроқ даромад олишни мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада улар сиёсий, маънавий, иқтисодий, жисмоний босим усулларини қўллашлари муқаррар эди.

Юқорида зикр этилган ҳолатларни ҳисобга олиб таҳлил қилинса, ўша даврда халқимиз учун ягона йўл — оғир ва машаққатли бўлса-да, улкан суғориш иншоотларини барпо этиш билан янги ерларни ўзлаштириш, экин экиб, ҳосил олиб, ҳалол меҳнати эвазига юзага келган оғир вазиятдан чиқиб кетиш эди.

1939 йилдан Ўзбекистон Республикасининг турли дехқончилик воҳаларида суғориш иншоотларини бунёд этиш учун "халқ ҳашари" бошланди. Фарғона водийсидаги Исфайрамсой сувларини кам сувли Шоҳимардонсойга ўтказиш учун умумий узунлиги 32 км. бўлган Лоғон канали март ойида 17 иш кунида қуриб битказилди [4; 13]. Бу халқ ҳашарининг бошланиши эди. Шу йили Тошкент вилоятида узунлиги 20 км. бўлган Таначи-буқа, Бухоро вилоятида С.Оржоникидзе, Самарқанд вилоятида Катта Зарафшон, Қорақолпоғистонда Майёб, Хоразмда Бўзсув–Қипчоқ каналлари қурилиб, уларнинг сувлари билан 103 минг гектар ерларнинг сув таъминоти яхшиланди [5; 30].

Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, 1939 йилда Ўзбекистонда жами 1338 км. узунликда 55 та янги канал қазилган. Бу қурилишларда халқ кучи билан 25 млн. кубометрдан ортиқроқ тупроқ ишлари бажарилган. Бу ишларнинг умумий қиймати 165744,3 млн. сўмни ташкил этган [6].

Халқ қурилишлари орасида энг йирик суғориш иншооти, шубҳасиз, умумий узунлиги 350 км. бўлган Катта Фарғона канали бўлиб, иншоот 1939 йилнинг август–сентябр ойларида бунёд этилган [7; 407]. Ушбу канал суви билан Ўзбекистон, Тожикистон Республикаларидаги 500 минг гектар ер майдонида сув таъминотини яхшилашга имконият яратилди [8; 407]. Канал қурилишига Ўзбекистондан 160 минг, Тожикистондан 120 минг ҳашарчилар жалб қилинди [4; 8]. Уларнинг меҳнати билан 1939 йилда канал ўзанида 18 млн. кубометр тупроқ ишлари бажарилди, 38 минг кубометр бетон ётқизилди, 19 минг кубометр ёғоч ишлари амалга оширилиб, 4 минг квадрат метр тош ётқизилди. Каналда 126 та дюкер ва 175 та акведук, ҳаммаси бўлиб мингдан ортиқ гидроиншоотлар қурилди [8; 175-176]. Ҳашарчилар канал қурилишига ўзлари билан 117 минг 881 та кетмон, 63 минг 105 та белкурак, 62 минг 298 та замбил, 35 минг 207 та лом, кирка, болға, 14 минг дона пақир, 4 минг 800 та бак ва бочкалар, 3 минг 250 та қорамол олиб бордилар [4; 8].

Канал қурилишига Республика ҳукумати 20 млн. сўм, 60 та дизел трактори, 25 та автомашина ажратди. Қурилишда қатнашган ҳашарчиларга 704 нафр тиббиёт ходимлари, 1072 нафар алоқачилар хизмат кўрсатдилар. Ҳар бир ҳашарчи учун кунлик тупроқ қазиш нормаси 2 метр куб қилиб белгиланди [9; 44]. Канал 45 кунда қуриб битказилди. Канал суви билан Ўзбекистоннинг 32 та пахтакор тумани, 5 та шаҳри, Тожикистоннинг 4 та туманида сув таъминоти яхшиланди.

1940 йилда Республиканнинг дехқончилик воҳаларида ҳашар йўли билан бир қатор суғориш иншоотлари, жумладан, Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Тошкент, Тошсоққа каналлари қуриб битказилди. Бу иншоотларни бунёд этишда 500 мингдан ортиқ ҳашарчилар

иштирок этдилар. Уларнинг меҳнати эвазига умумий қиймати 280 млн. сўмлик тупроқ ишлари бажарилди [10; 2-3]. Буларнинг натижаси ўлароқ, биргина Фарғона водийсида 50 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Республика миқёсида эса 1940 йилга келиб суғориладиган ер майдони 2130 минг гектарга етди. Шундан 890 минг гектарига пахта экилди [11; 19].

Совет ҳукумати ўзининг соҳада олиб борган сиёсатини халқнинг ташаббусига эмас, балки мажбурий равишда бажаришга ундовчи омилларга асосланган ҳолда амалга оширди. Зеро, улар ўз доҳийларининг "Ҳашар йўли билан қилинган меҳнат – бу қишлоқда ҳамма вақт давом этиб келган кўшнига кўмак бериш эмас, балки умумдавлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирадиган, кенг кўламда уйиштириладиган ва бепул қилинадиган меҳнатдир" [12; 41] деган ақидасига асосланиб иш юритдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида энг кўп маблағ талаб қиладиган ирригация соҳасидаги кенг кўламли ишларни жуда оз миқдорда маблағ сарф этиб бажаришни мақсад қилиб қўйдилар. Шу тариқа улкан суғориш иншоотларини халқ меҳнати эвазига бунёд этиб, пахтадан олинадиган ҳосил миқдорини кўпайтиришга эришдилар. Лекин кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўрганилган даврда халқ ҳашари йўли билан қурилган ва ҳозирги кунгача ишлатиб келинаётган сув иншоотлари, уларнинг қурилиши тарихи Ўзбекистоннинг, халқимизнинг кўп минг йиллик тарихининг таркибий қисмидир. Зеро, халқимиз қадимдан сувни муқаддас билиб, ерни эъзозлаб келган ва ўз менталитетида бунёдкорлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик каби хислатларни мужассамлаштиргандир. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: "Эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қонига ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-аҳлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч қудрат бағишлаб келмоқда" [13; 7].

Адабиётлар:

1.Аминова Р. Великое народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана(1939–1940гг).-Т., 1957
2. Правда Востока.- 1939.- 8 февраля
3. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях...–Т.: Узбекистан, 1988
4. Третъяков Е. Народные стройки // Гидротехника и мелиорация.- 1977.- № 9.- С.8-13
5. История Узбекской ССР. Том IV.– Т., 1968
6. ЎзР. МДА. 88 – ф, 9 – р, 8372 – иш, 20 – 21 варақлар.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т., 2001
8. Ибрагимов Ю. Из истории борьбы коммунистов Узбекистана за строительство БФК.// Труды САГУ. – Т., 1958
9. Романов Ю. Прекрасное творение народа // Сельское хозяйство Узбекистана.- 1980.- № 2
10. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана.- 1941.- № 1.- С. 2 – 3.
11. ЎзР. МДА. 2483 – ф, 1 – р, сақланиш бирлиги 19.
12. Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 41 Б. 40-том,.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.. Б. 7

Андижон давлат университети,
2009 йил 26 августда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. И.Алимов)